



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 2 июнь № 116 (3391) Чоршанба

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН



Президент Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Мухтарам депутатлар! Сурхон замини, Сурхон юрти Яратганинг ўзи унга ато этган тарихи, ўзига хослиги ва гўзал табиати, аввало шу ерда яшайдиган халқнинг самимиёти ва меҳмондўстлиги билан ўзига доим эътиборни тортиб туради, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда бу замин воҳа аҳлининг фидокорона меҳнати эвазига тобора гўзаллашиб, қиёфасини ўзгаришмоқда, ўзининг ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштириш орқали мамлакатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўймоқда.

Қисқа қилиб айтганда, ўн-ўн беш йиллар олдин Сурхон ҳақида фақат матбуот ва тарихий ҳужжатлар орқали эшитиб ва танишиб юрган одамлар ҳам бугунги кунда бу воҳа билан, унинг боқий ёдгорликлари, Бойсун, Денов ва Сарийосиё сингари гўзал, сўлим масканлари, очиккўнгил халқи билан, унинг бетакорр санъати, бугунги ҳаёти ва ўзгаришлари билан танишишни хуш кўрмоқда, десам, айна ҳақиқат бўлади.

Қадри дўстлар, биродарлар! Бугун барчамиз кўз ўнгимизда дунё шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу оламшумул жараёнлар, ер юзидagi барча қитъа ва минтақалар қатори, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз олдида ҳам катта вазифалар қўймоқда.

Бу эса ўз навбатида бизнинг фаолиятимизни — бу ички ва ташқи сиёсат бўладими, иқтисодий ислохотлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўладими — буларнинг барчасини ана шу кескин ва юксак талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бугун ҳаёт шундай тез ўзгариб бормоқдаки, агар қайси инсон ёки давлат мана шу ҳолатни сезмаса, англамаса, давр ўзгаришлари, жаҳон ҳамжамияти билан уйғун бўлиб, ҳамоҳан бўлиб қадам ташламаса, бу борада қандайдир мудроқлик ёки сустқашликка берилса, ҳаммамизга аёнки, у тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб қолади, ўз мақсад-муддolariга етолмайди.

Биз бугун дунёда ва юртимизда кечаётган жараёнларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, улардан сабоқ ва хулосалар чиқарар эканмиз, мана шундай қараш ва мезонларга асосланиб иш тутишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда — ўзгариб бораётган замон, ҳаёт юриши олдимизга қўяётган масалалар, яъни биз ҳеч қимдан кам бўлмаймиз, деган мақсадни амалга ошириш йўлидаги ишлар бугун биздан нимани талаб қилса, шунга риоя қилмасдан туриб, ҳеч нарсага эриша олмастимиз ҳаммамизга аниқ бўлиши шарт.

Кимки, қандай вазифа ёки лавозимда ўтирмасин, бундан қатъи назар — талаб барчага тенг ва бир хил бўлиши керак.

Шу маънода, бугунги сессия йиғилишида сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан биргаликда вилоятдаги ҳозирги вазиятга танқидий баҳо бериб, кўпроқ амалий ишлар, ечилмаган муаммолар ҳақида, шу билан бирга, ишни ташкил қилиш, энг аввало, раҳбарларнинг ўз олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларни бажариш учун элни ортидан эргаштириш, уни юксак мақсадларга жалб этиш, одамларнинг дарду ташвишларига яқин бўлиш, уларни юрагидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида очик гаплашиб олишни хоҳлардим.

Албатта, юртимизнинг жанубий остонаси бўлиши Сурхон заминининг ривожланиши, кейинги пайтда вилоятда амалда намоён бўлаётган натижалар, эришилган марралар ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Айниқса, вилоят маркази Термизнинг қиёфаси мустақиллик йилларида бутунлай ўзгариб, нафақат 2500 йиллик тарихга эга бўлган, балки-замонавий шаҳар сифатида ҳам қайта тиклангани, унинг обрў-эътибори ва нуфузи юксалаётгани диққатга сазовор. Бундай ўзгаришларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам кузатиш мумкин. Яъни биласизлар, яқин-яқингача

барчамиз кўнчи Афғонистон заминидан тезроқ осуда ҳаёт қарор топишни орзу қилар эдик.

Чунки бу мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизликнинг ўрнатилиши, Амударё узра жанубга йўл очилиши, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, қадимий борди-келди анъаналаримизнинг қайта тикланишидан биринчилар қаторида Сурхон вилояти ҳам наф қўришини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун, шурки, ана шу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Термиз-Хайратон кўприги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами етказиб беришдек хайрли ишга хизмат қилмоқлардим.

Афғонистон ҳудудида йўл ва кўприклар, коммуникация тармоқларини барпо этишда халқимиз вакиллари, шу жумладан, сурухондарёлик қурувчи ва мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси жанубий сарҳадларимизда тинчликни таъминлаш, вилоятда хорижий инвестицияларни жалб этиш, бу ерда ўзгариш ва янгиликлар, бунёдкорлик жараёнини оёсийишта шароитда давом эттириш имконини бермоқда. Халқимиз "Қўшнинг тинч — сен тинч" деб беҳиз айтмаган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Эшмуратовни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хўшбоқович Эшмуратов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.Ў.Қодировни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Тошмирзо Ҳўроқович Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 июнь.

САЙЁРАМИЗ ДОИМ ТИНЧ БЎЛСИН

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назолат Усмонова).

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида "Она заминга — тинчлик" широи остида ўтказилган республика кўриқ-танловининг якуний босқичи 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунига тўғри келди. Тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган болалар бадий ижодий марказлари, ҳаваскорлик мусика жамоалари, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда тасвирий санъат соҳасида ижод қилаётган ёш истеъоддорни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур танлов "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Бадий академия, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бир қатор вазирилик ва ташкилотлар, жамғармалар томонидан ташкил этилди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган минглаб иктидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тинчлик ва оёсийишталиқ ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган минглаб иктидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тинчлик ва оёсийишталиқ ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган минглаб иктидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тинчлик ва оёсийишталиқ ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган минглаб иктидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тинчлик ва оёсийишталиқ ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган минглаб иктидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тинчлик ва оёсийишталиқ ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Кеча бутун дунёда бўлгани сингари мамлакатимизда ҳам Халқаро болаларни химоя қилиш кунини кенг нишонланди.

Балқизанда юзда табассум...

Ўқув-тарбия муассасалари, дам олиш масканлари, маҳалла гузарларида мутасаддилар томонидан ташкил этилган тадбирларда ранг-баранг томошалар болажонлар эътиборига ҳавола этилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон-Голландия АБН АМРО қўшма банкида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда банк мижозларининг фарзандлари масҳарабоз иштирокидаги антиқа томоша, уйиқулгу, ширинлик ва муқаймоқлардан баҳраманд бўлишди.

Тадбир ташкилотчиларининг бизга маълум қилишича, бундан қўзланган мақсад болаларга ва ота-оналарига

хизмат кўрсатаётган банк хусусида қисқача бўлса-да, маълумот бериш ҳамда байрам баҳона кичкинтойларга қувонч улаштириш.

— Ўзбекистонда жорий йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани айна мудиоа бўлди, — дейди ушбу банк бош бошқарувчиси Хўго Миндерхоуд биз билан суҳбатда. — Бу савооби ишдан банк жамоаси четда қолмади эмас. Пойтахтдаги 23-болалар уйи билан ҳамкорликни бошлаб юбордик. У ерда тарбияланаётган 75 нафар ўқувчига тортиқ қилиш учун мактаб сумжалари, ўқув қуроллари тайёрлаб қўйдик.

Сандолми ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Америкадан олтин медаль билан

30 май АҚШда хотира кунини сифатида нишонланди. Шу сана муносабати билан 28-30 май кунлари Чикаго шаҳрида каратэ бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Шаҳар мери ташаббуси билан уюштирилган бу мусобақада дунёнинг тўққиз мамлакатидан келган спортчилар катнашибди. Ушбу нуфузли мусобақада республикамиз қаратэчилари муваффақиятли иштирок этдилар. Жасур Каюмов, Шохижохон Панжиев, Достон Турғунов, Фузайл Маҳмудов, Рустам Рузиев ва Элмурод Мадрохимов турнирнинг олтин медаллари соҳиблари бўлишди. Турнирнинг энг ёш қаратэчиси деб ном олган саккиз ёшли Амрбек Хакимов эса бронза медалига сазовор бўлди. Жами олтинга олтин, битта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритган вакиллариимиз умумжамоа ҳисобида АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгалладилар.

Х. ЭШМАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасидаги техникавий ҳамкорлик ҳамда "Репродуктив саломатлик тизимини ривожлантиришга қўмаклашиш" лойиҳаси бўйича ҳужжатларо битимлар имзоланди

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Биринчи ҳужжатга қўра, Германия ҳукумати мамлакатимизга 4 миллион евро ажратади. Ушбу маблағ Орол денгинининг қуриган тубини қайта ишлаш, ахборот технологиялари соҳасидаги касбий таълим тизимини такомиллаштириш, бошланғич касбий таълимни қўлаб-қувватлаш ҳамда вилоятлар иқтисодий ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади.

Маълумотларга қараганда, айна пайтга келиб икки томонлама техникавий ҳамкорликнинг молиявий ҳисобдаги ҳажми 43 миллион евродан ошган.

Иккинчи битимга қўра, мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, репродуктив саломатлик тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш мақсадида 2,5 миллион евро ажратилади. Мазкур лойиҳа икки мамлакатнинг ўзаро молиявий ҳамкорлиги доирасида амалга оширилади. Айна пайтга қадар ушбу йўналишда умумий қиймати 174,7 миллион еврони ташкил этадиган дастуру ва лойиҳалар ўз ижросини топган.

Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев ҳамда Германиянинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Мартин Хеккер имзо чекди.

(ЎзА).

(ЎзА).

Қишлоқ ҳўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлиб, саноатнинг кўплаб тармоқларини хомашў билан таъминлаш ҳамда республика экспорт салоҳияти ва валюта тушумининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу боис мамлакатимиз Президентини ва ҳўкумати мазкур ҳўсоани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Айниқса, Юрт-бошимизнинг «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожидан кўради ва бу борада дунёнинг илгор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади» деган фикрлари соҳа тараққиётида дастуриламал вазифини ўтамоқда.

Бир сўз билан айтганда, фермерларга бир қатор имтиёзлар берилиб, кенг имкониятлар яратилмоқда, меъёрий-ҳўқуқий база тўбора такомиллаштириб боришмоқда.

Маълумки, ҳар қандай тараққиёт иқтисодий пойдевор билан боғлиқ. Фермерлик ривожидан мамлакатимиз банкларининг аҳамияти қандай бўлмоқда? Биз шу савол билан республика Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари М. ЖУМАГАЛДИЕВГА мурожаат қилдик.

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари» дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатда эса ер-сув муносабатлари, фермерларни молиялаштириш ва кредитлаш тизими, фермерларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, махсулотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳамда

Кредит:

ФЕРМЕРЛИК РАВНАҚИДА МУҲИМ ОМИЛ

— Ҳақиқатан ҳам, — деди Мухаммадjon Рўзимович, — қишлоқ ҳўжалигидаги асосий тадбиркорлик субъектлари, яъни фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш орқали истеъмол бозорини сифатли қишлоқ ҳўжалиқ, озиқ-овқат ва енгил саноат махсулотлари билан тўлдириш, аҳолига иш ўринлари яратиш орқали иқтисодий таъминоти жадал оқсалтириш имконига эга бўламиз. Шунинг учун кичик бизнес, шу жумладан, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш ҳўкуматимиз томонидан изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган.

Деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини молиявий кўплаб-қувватлаш мақсадида 2003 йилда ва жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан жами 39,0 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиқ махсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, фермер ҳўжалиқлари ролинини ошириш, уларда мулкдорлик, жалб этиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарорга кўра, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги фермер ҳўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш бўйича ҳаражатларини амалдаги тайёрлов корхоналари орқали буналаш механизмининг ўрнига уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмининг ишлаб чиқилди. Бу механизм эса 2003 йил ҳўсолидан бошлаб таъриба сифатида синаб кўрилди.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиқ махсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжалиқлари имтиёзли кредитларни қайтмаслик ҳатарининг олдини олиш ёки гаровини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта муқофотларини тўлаш, иш ҳақи тўловлари, минерал ўғит, кимёвий препаратлар, полиэтилен плёнка, ёниги-мойлаш махсулотлари сотиб олиш, машина-трактор паркларини, шу жумладан, муқобил МТП, коллектор-дренаж тармоқларини тўзалаш, электр қуввати, ягона ер солиғи ва бошқа ҳаражатлар тўлови (ҳўсолини йиғиб олиш бўйича хизматларни қўшган ҳолда) учун мақсадли кредитлар ажратилиши йўлга қўйилди.

Жумладан, 2003 йил давомида пахта хомашўсини тайёрловчи фермер ҳўжалиқларидан тижорат банкларига тақдим этилган 9691 та кредит аризаси тўлиқ кўриб чиқилиб, уларга жами 15227 млн. сўмлик, галла етиштирувчи фермер ҳўжалиқлари томонидан тушган 5617 та кредит аризаси бўйича эса жами 1484,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Уларнинг самараси қандай бўлди?

— Ўтган йили ана шу тўртта вилоятда имтиёзли кредит олган фермер ҳўжалиқлари томонидан мўлжалдаги 166,1 миң тонна ўрнига 183,8 миң тонна дон етиштирилди. Натижада 11,0 млрд. сўм ўрнига 13,5 млрд. сўм даромад олинди, 5,5 миллиард сўм соф фойда кўлга киритилди. Масалан, Учкўрган туманидаги «Раҳимжон ҳўжи» фермер ҳўжалиги 2002 йилда 45 гектар ерда галла етиштириб, 4,7 млн. соф фойда олган бўлса, 2003 йилда кредитлаш механизмининг қўлланилган, бу кўрсаткич 7,4 млн. сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси эса аввалги йилдагига нисбатан 3,0 фоиз ўсди.

Шунингдек, имтиёзли кредит олган пахта етиштирувчи фермер ҳўжалиқлари бултур 50,6 млрд. сўм да-

ромад, шу жумладан, 20,5 млрд. сўм соф фойда олишга эришдилар. Бир мисол. Бухоро туманидаги «Ибод бобо» фермер ҳўжалиги 29 гектар майдонда пахта етиштириди. Ушбу фермер ҳўжалиги 2002 йилда 12,6 млн. сўм даромад кўрган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 23,0 млн. сўмни ташкил этди. Имтиёзли кредитлаш натижасида жамоада ҳосилдорлик 1,4 центнерга, соф фойда эса 1120 миң сўмга кўпайди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги кредитлаш механизмига ўтилган, салмоқли натижаларга эришган фермер ҳўжалиқлари сони тўртта вилоятда ҳам анча кўпайди.

Фермерларга ажратилган тўғридан-тўғри имтиёзли кредитларнинг самарасини уларнинг режадаги нисбатан ортиқча даромад олганида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Пирозийликда, шу жумладан, 20,5 млрд. сўм соф фойда олишга эришдилар. Бир мисол. Бухоро туманидаги «Ибод бобо» фермер ҳўжалиги 29 гектар майдонда пахта етиштириди. Ушбу фермер ҳўжалиги 2002 йилда 12,6 млн. сўм даромад кўрган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 23,0 млн. сўмни ташкил этди. Имтиёзли кредитлаш натижасида жамоада ҳосилдорлик 1,4 центнерга, соф фойда эса 1120 миң сўмга кўпайди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги кредитлаш механизмига ўтилган, салмоқли натижаларга эришган фермер ҳўжалиқлари сони тўртта вилоятда ҳам анча кўпайди.

Фермерларга ажратилган тўғридан-тўғри имтиёзли кредитларнинг самарасини уларнинг режадаги нисбатан ортиқча даромад олганида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Пирозийликда, шу жумладан, 20,5 млрд. сўм соф фойда олишга эришдилар. Бир мисол. Бухоро туманидаги «Ибод бобо» фермер ҳўжалиги 29 гектар майдонда пахта етиштириди. Ушбу фермер ҳўжалиги 2002 йилда 12,6 млн. сўм даромад кўрган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 23,0 млн. сўмни ташкил этди. Имтиёзли кредитлаш натижасида жамоада ҳосилдорлик 1,4 центнерга, соф фойда эса 1120 миң сўмга кўпайди.

Банк тизими

вардида, 2003 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан давлат эҳтиёжлари учун галла ҳўсоли етиштирувчи фермер ҳўжалиқларига берилган кредит маблағлари яқини ҳисоб-китобларга ажратилган маблағлар ҳисобидан тўлиқ қайтарилди.

Республикада пахта ва дон махсулотларига давлат бюрютмаларининг жорий этилиши эса бир томондан, фермерларнинг махсулотларига бақарор талабни вужудга келтирган бўлса, иккинчи томондан, етиштирилажак галла ва пахта хомашўсини қийматининг 50 фоизи миқдорда олинган буналаш пули олиш имконини яратди.

Янги механизмнинг олдинги услубдан яна бир қўлай томони бор. Давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хомашўсини ва галла етиштирувчи фермерларга тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредит берилиши — бу фермер ҳўжалиқлари учун эҳтиёж сезилган ҳаражатларни ўз вақтида молиялаштириш ва маблағларни мустақил равишда тасаруф этиш имконини берди.

— Фермерлик ривожини қишлоқда янги бозор инфратузилмасини яратилишини таъминлаш мақсадида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳўсолида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Хабарингиз бор, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида маърузасида қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига кўмаклашувчи бозор инфратузилмасини яратиш ва улар томонидан, айниқса, фермерлик феолиятини кўплаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган эди. Бу вазифини амалга ошириш фермер ҳўжалиқларига моддий-техник ресурслар етказиб бериш, махсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини шакллантириш, банк, акборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини химоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Давлат бу йўл билан фермерликнинг ривожини бе-восита кўплаб-қувватлайди.

Хусусан, давлат эҳтиёжлари учун махсулот етиштираётган фермер ҳўжалиқларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қишлоқда фермер ҳўжалиқларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш мақсадида

меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш мақсадида 2006 йилгача босқичма-босқич бажариш белгилаб берилди. Қарорга кўра, шунингдек, 2004-2006 йилларда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат ҳўжалиқларидан 1020 таси фермер ҳўжалиқларига айлантирилади. Янгидан ташкил этилаётган фермер ҳўжалиқларига банк хизматлари кўрсатиш, қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан, шу муддат мобайнида 701та, жумладан, жорий йилнинг ўзидан 178 та мини банк ташкил этилиши белгиланди.

Этиборлики, ҳудудларда ташкил этилаётган фермер ҳўжалиқларига ҳар томонлама қўлай бўлган жойларда жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 180 та мини банк ташкил этилди. Умуман, ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган жами мини банклар сони 982 тага етди. Уларнинг қандай ишлаётганини кўз олдингизга келтириш учун бир мисол келтирмақчиман. «Ўзўйжойжамгармабанк»нинг Жиззах вилояти филиалига қарашли, Жиззах тумани марказидан 15 километр узоқликда жойлашган «Учтепа» мини банки ҳозирги кунда 227 та мижозга, шу жумладан, 167 та фермер ҳўжалиқига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда кредитлаш масаласи ечимига ойдинлик киритсангиз. Чунки сўнгги пайтда фермерлар кредит олиш анча осон бўлиб қолганини таъкидлашмоқда.

— Биласиз, иқтисодий муносабатнинг яхлит, мукамал тизимини барпо этиш юзага келаётган муаммоларни изчил ва ўз вақтида ечиб боришни талаб этади. Бу борада Марказий банк томонидан бирталай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш бўйича 2003 йилда 4 вилоятда орттирилган илгор таъриба-лар асосида «Фермер ҳўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш ҳаражатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди. Бу меъёрий ҳужжатда қишлоқ ҳўжалиқ мулкдорларидан йил давомида олинган тақлифлар ҳисобга олинган ўз навбатида уларга бир қатор қўлайлик ва имкониятлар яратмоқда.

Ҳозирги кунда мазкур Низом асосида Анджион, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги фермер ҳўжалиқларига тижорат банклари томонидан кредит маблағлари мунтазам бериб келинмоқда. Республиканинг қолган 5 та вилоятида эса ушбу механизм кейинги йил ҳўсолидан бошлаб жорий этилади.

Шу билан бирга, фермер ҳўжалиқларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий банк ва тегишли вазирликлар билан биргаликда «Ер участкасини ижарага олиш ҳўқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида», «Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжалиқларига бўлгуси ҳўсолини гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида» ва «Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжалиқларининг ер участкасини ижарага олиш ҳўқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида» низомлар ишлаб чиқилди.

Уйлаймики, кредит маблағлари ажратишда бундай узлуқсиз жараённинг таъминлангани мамлакатимизда фермерлик ҳарақатини янада ривожлантиришда муҳим оми бўлади.

И. ЎТБОСАРОВ, А. ҲАЙДАРОВ сўхбатлашди.

"TEZINTOM"

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ:



ЎТРАЙ РАНГАЛИ ҲА ЗАМОНАВИЙ ТУМ ЎЙЖИ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАВИШ ТОМАРА ТУЛАК КОМПАКТАЛАРИНИ ТОПИШИРИ

Вардосини ва диванга металлорезинлар билан тўрмоқ уч тўра турлати профилга бамадуге 19 мди.

Кўп турлати аксессуарлар (том шароити эмигранти, металлорезин ва профилга турлати 185 дин 12 метрлик, 1 квадрат метр махсулотнинг вағни 4,5 кг. Том анжомларининг бериласи гарб уқуқларидан чет та ҳомашўсини тайёрлайди.

АВРОП ВА ОСМА ШИРОТ АККОРАТИВ НАВБАЛАРИ, УРАТТИҲ ЭЛЕМЕНТАРИ БИЛАН БИТАНДИҚДА

Турани рақибати рақиблар билан қўра-қўрада 0,5 м.к.к. кўрада ижолан.

Манзил: Тошкент ш., Мўҳитидинов к., 1 (ПОЭМЗ-1), Мўҳаж: "Бўюк Ипақ йўли" м. ст.



Тўзган ва ишонгани

"ТЕЗИНТОМ" кўшма корхонаси махсулотларининг нархлари сезиларли арзонлаштирилган

ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

ЎТРАЙ РАНГАЛИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БЕЛАН БЕЗАК БЕРИШ

"МЕНИ" (Германия), фирмаси таъ-миноти асосида агрессия муҳитида металл ва электр ўтказувчи аластасса махсулотларига.

GERMANYAНИНГ "НЕВО" ФЕРМАСИ УҚСАСИДА ТАЙЙЕРЛАНГАН ЮКСАК БАДИЙ САВАБДАГИ НОВ МЕТАЛЛА МАХСУЛОТЛАРИ

Жимкимдор панжаралар, сувиқчилар, гаровий дарвозалар, қандақалар ва бошқа тузал буюмлар.

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-50, 162-42-74. Факс: 162-41-65. E-mail: tezintom@globalnet.uz

Самарқанд сополи Голландияга

Нидерландиянинг қадимий кулолчилик маркази бўлган Гауда шаҳрида сопол буюмлари халқаро фестивали бўлиб ўтди.

1976 йилдан бўён анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур халқаро фести-валда иштирок этиш танлов асосида ташкил қилинган. Дастлабки босқичда танлов ҳайъати турли мамлакатлар кулолчи усталарининг ижод намуналарини баҳолаш, голибларга махсус тақлифномалар юборди. Мана шундай шараф саралаш босқичдан муваффақиятли ўтган танлики самарқандлик кулолчи уста Худойберди Жақбердиевга насиб этди.

Жақбердиев ижодида мансуб ҳайкалчалар ҳамда сопол идишлар нафислиги ва жиљоси билан кўплаб томошабинлар эътиборини жалб этди.

Фестиваль ташкили кўмитасининг доимий аъзоси Валтер ван Леу-веннинг эътирофига кўра, европалик мута-хассислар ва мухлислар Ўзбекистон кулолчининг маҳоратига юксак баҳо беришди ва устанинг ижод намуналари орқали ўзбек халқининг бой маданияти ҳақида муай-ян тасаввурга эга бўлишди.

Ж.МУТАЛОВ, "Жаҳон" АА, Брюссель.

Цемент — кумли ЧЕРЕПИЦА

2003 йил Лондон шаҳрида «QUALITY CROWN» Сифат учун халқаро соврин ва сертификат билан тақдирланган.

ЧЕРЕПИЦА ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УСУҚНАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ.



Черепица



QUALITY CROWN



МЧЖ «SV CO LD»

Махсулот сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., «Самарқанд дарвоза» к. 1. («Чорсу» механизмонхонаси атрофида).

Телефонлар: 184-42-61, 188-61-42, 189-61-42, 45-85-72, факс 199-45-57.

ESENYA

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

«Оналар ва болалар йили» ва «Соғлом авлод учун» давлат дастурларида белгиланган вазибаларни бажара бориб, фирмаси «Болаларга меҳр билан» дастурини тайёрлади. Дастур доирасида болалар учун катта спорт ҳамда соғломлаштириш мажмуалари, сув ҳавзалари, кўнгилочар боғлар лойиҳалари яратилди.

Ўтган «Маҳалла йили»да биз «Менинг уйим — менинг маҳаллам» дастурини тайёрладик. Мазкур дастур узвий равишда болаларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган «Болаларга меҳр билан» умумий дастурига кирди. Ушбу дастур бўйича 12 та уйин тизими ва болалар майдончаси лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, биз уларни маҳаллалар, кўпқаватли уйларнинг ҳовлилари, боғлар, «Меҳрибонлик уйлари», мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида жойлаштиришни тавсия этамиз.



ES-01



ES-02



ES-03



ES-09



ES-10



ES-11



ES-A.03

Бу йил — Меҳр ва муруват йили. Йил бўйи биз кўп болаларни, кам таъминланган оилалар, қариялар ва ногирон бўлиб қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун қатор тадбирларни белгиланганмиз. Лекин улар ҳақида кенг оммага жар солишни, ўзимизни тарғиб қилишни истамаймиз. Бизнесингча, вақтинчалик қийинчилик кўриб турган одамларга ёрдам кўрсатиш, шу билан обрў орттириш инсофдан эмас. Ахир ҳар бир киши савоб ишни ҳар доимо қилиши керак. Кўрсатаётган ёрдамимизни жамоатчиликка кўз-кўз қилиш, бизнингча, тўғри бўлмас керак. Шунинг учун биз бу ишларни алоҳида ёндашув асосида амалга оширамиз.

МДҲдаги ишлар бўйича бош менежер Шавели МАТВЕЛИЕВ.

УШБУ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ — «ESENYA - Bau - und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland» ФИРМАСИ. МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАР БИР БОСҚИЧДА ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ БЎЙИЧА УНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲЎҚУҚИ ХАЛҚАРО КОНУНЧИЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНУНЧИЛИГИ БИЛАН ҲИМОЯЛАНДИ.

700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Тадбир



Кейинги пайтларда юртимизнинг барча вилоят ва туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бундай ишлар замирида, албатта, одамларнинг узогини ақли, оғирини енгил қилиш мақсади муҳимасан. Шу боис ҳам, бундай эзгу ишлар кенг қанот ёймоқда. Ана шундай ибратли ишлар сирасига пойтахти-

Эзгуликка хизмат қилиб

мизнинг «Қорақамиш» мавзасида қад рўстлаган иншоотни ҳам киритиш мумкин. Бу ерда республика Ички ишлар вазири-лиги, Тошкент шаҳар ҳўким-лиги, ИИББ йўл ҳарақати хавфсизлиги шаҳар бош-қармаси ташаббуси билан 2,2 гектарлик майдонда ав-тошаҳарча қурилди.

— Ушбу масканни, ав-вало йўл ҳарақати қоида-ларини тарғиб қилиш ва уларни ҳаваскор автомо-бил ҳайдовчиларига ўрга-тиш учун барпо қилдик, — дейди ИИББ йўл ҳарақати хавфсизлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бош-лиги, милиция полковни-ги Равадан Даминов. — Қолаверса, бу жойга ота-оналар, азиз болақонла-римиз кўпроқ келиши, турли тадбирларда ишти-рок этиши, энг керакли-си, ҳам дам, ҳам йўл қоида-си — умр фойдаси эканлигини тушунишса, мақсадимизга эришган бўламиз.

Қуни-кеча Халқаро бо-лаларни химоя қилиш куни муносабати билан мазкур шаҳарчанинг очи-лиш маросими бўлиб ўтди. Унга давлат автомобиль назорати тизимида узоқ йиллар ишлаган собиқ хо-димлар, шунингдек, ша-ҳардаги тўртта «Меҳри-бонлик уйи» тарбияланув-чилари тақлиф этилди.

Тадбир фақат ушбу ша-ҳарчани очиб маросими билан якунланмади. Мута-саддилар бу ерга тақлиф этилган фаҳрийлар, 24, 25, 36, 105-«Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчи-лари учун дастурхон тузаб, ош тортидилар, совға-саломларини улашдилар. Энг муҳими, ташкилчи-лар юқоридagi «Меҳри-бонлик уйлари»га улар-нинг моддий ёрдамлари-ни ҳам дариг тутмадилар.

С. МУҚИМОВ.

«Универсиада - 2004»

Қашқадарё вилояти терма жамоаси вакиллари икки йил аввал ўтказилган талабалар Универсиадада умумий ҳисобда ўн иккинчи ўринни эгаллаб, қониқарсиз иштирок этишганди. Ҳатто, одатда доимо яхши натижаларга эришиладиган кураш бўйича ҳам совринли ўрин насиб этмади. Вилоят вакиллари мусобақаларда спортнинг баъзи турлари бўйича қатнашишмади ҳам.

мағлубиятни бот-бот эса солмоқда. Терма жамоа раҳбарларидан бири Анвар Бурхонов кўпгина спортчилар паст натижаларни кўрсатаётганлигини тан олди. Универсиадада эса айнан энгил атлетика мусобақаларида энг кўп ме-

культети декани Нормамат Жалиловнинг фикрлари эса куйидагича: — Етук спортчини тайёрлаш учун йиллар кераклиги ҳаммага маълум. Бизга эса бир неча ойгина муҳлат берилган. Жамоа аъзоларининг кўпи шуғуллана-

Энди узилиш

Бўлмайди...

Талабаларнинг ўтган Универсиадада муваффақиятсиз қатнашиши бир неча марта муҳокама қилинди. Ушанда спорт делегациялари раҳбарлари ҳамма айбни гўё ноҳақлик қилган ҳақамларга қўйишди. Аслида бунинг сабаби бошқа жойда эди. Жамоа мусобақалар бошланишига 2 ой қолгандагина шакллантирила бошланди. Мисол учун баскетбол бўйича жамоани тузишда асосий мезон ўзинчи маҳорати эмас, балки унинг бўйи ва жисмоний тайёргарлиги бўлди. Бошқа қилиб айтганда, жамоага кўпроқ бақувват ва бўйдор болалар киритилганди. Кейин эса болаларнинг ўзлари ҳам қондалар у ёқда турсин, ҳатто тўп ушлашни билмаганликларини айтишди. Эки аёллар волейбол командасини олайлик. Тўпни тўр ортга узата олмаган ўйинчилар ютуғига қандай қилиб ишонши мумкин? Айнан шунинг учун ҳам, қаршилик талабалар мусобақаларининг энгил атлетика, кўл тўпи, баскетбол, волейбол ва сузиш каби спорт турлари бўйича 12-14 ўринларни эгаллашди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган муҳокамада спорт мухтаassisларни, олий ўқув юртлири раҳбарлари бир овоздан, бундан бунён бо соҳада ҳеч қандай узилишлар бўлмаслигини таъкидлашди.

Олий ўқув юртлири раҳбарияти, ҳақиқатдан ҳам, талабалар спортини ўз на-

зоратига олганини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, Қарши давлат университетиде бу борада катта ишлар олиб борилмоқда. Терма жамоа асосини ташкил этувчи жисмоний тарбия факультетининг кўп йиллардан бунён ачинарли ахволда ётган стадиони, спорт заллари таъмирланди, керакли спорт анжомлари сотиб олинди. Бундан ташқари, таълим-тарбия жараёнларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган йиллардан фарқи ўларок, бу йил Универсиадага тайёргарлик барвақт бошланди. Олий ўқув юртлири ва факультетлар мусобақалар натижаларига қараб терма жамоа шакллантирилди.

Биз, ҳақиқатдан ҳам, ўтган сафарги мусобақаларда жуда қониқарсиз қатнашгандик. Айни пайтда шу хатоимизни тузатиш ниятидамыз. Спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш учун вилоятнинг энг зўр мухтаassisлари жалб этилган, — дейди университет проректори Исмаилов Худойбердиев.

Орауға айб йўқ. Бирок ҳали ҳам ўтган йилларнинг аччиқ тажрибаси кўпларнинг эсидан чиқмаган. Енгил атлетика бўйича терма жамоага танланган номзодлар кўрсатаётган қониқарсиз натижалар ўтган йилги

Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университетиде УЗФА Шарқшунослик институти ҳамкорлигида Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда шарқшунос олимлар, тадқиқотчилар томонидан «Тасавуф табақалари ва уларнинг таснифи», «Хожа Аҳрор Валий яшаган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон»,

«Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланаётган Хожа Аҳрор Валийга оид манбаалар хусусида», «Хожа Аҳрор Валий ва унинг авлодлари тўғрисида» каби кўплаб қизиқарли мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир сўнггида УЗФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондининг бош-

Боқий мерос эъзози

Махсулот сертификатланган

«МАЛВИ» МЧЖ

ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Beiko & Eisdemann (Германия)

(Буюрта бўйича Тошкентдаги омордан) Кувват 0,7 дан 2000 кВА гача

ЭЛЕКТР АСБОБ

Takita (Япония)

«Универсал» дўкониде ЯНГИ МАХСУЛОТЛАР (Навоий кўчасидаги ярмарка) Телефон: 144-90-16.

Тўлов шакли — турлича. Кафолати — 1 йил.

700000, Тошкент ш., Мажлясов к., 3-уй, 113-115-хоналар. Тел.: (998-71) 120-68-36, 137-63-98, (998-97) 110-20-36. E-mail: malvil@mail.ru; malvil@operamail.com

«Чинобод пахта тозалаш» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Чинобод пахта тозалаш» ОАЖнинг

2003 молиявий хўжалик йили фаолияти яқунларига бағишланган умумий йиғилиши 2004 йил 19 июнь кунин соат 10.00 да жамиятнинг мажлислар залида ўтказилади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 19 май ҳолати бўйича тузилади.

Кун тартиби:

- 2003 молиявий хўжалик йили яқунлари бўйича жамият бошқарув раиси ҳисоботи.
- 2003 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти.
- Жамият кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
- Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи.
- Жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
- 2004 йилда жамият ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун жамият раиси томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режани тасдиқлаш.
- Аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.

Кузатув кенгаши.

«ХИМОЯ» — ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ»
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ҲУҚУҚИЙ ЁРДМ КўРСАТАДИ:

- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- суд қарорларини ижро этиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Телефонлар: Тошкент ш., (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72. Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15. e-mail: himoya@sarkor.uz

МАКСИМА МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, идиш-товок, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат махсулотларини тақлиф этади.

МАКСИМА АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ

хонадонингиз, ҳовлинингиз дизайнини яқна тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича буртмангиз этикази берилади.

«Rosenthal»дан сара идиш-товоклар.

Манзилими: Тошкент ш., Қунаев к. (Собиқ Сапёрная), 46-уй. Мўжал — Миробод бозори. Тел.: 111-14-44, 152-75-94. e-mail: maksima_globalnet.uz

Товарлар сертификатланган.

«КОДИРХЎЖА ЎЙИШЛАРИ» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм

59 000 сўм

45 000 сўм

56 000 сўм

Тўлов шакли турлича

Махсулот сертификатланган

Улғуржи харидорларга чегирмалар берилади.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

UzbekLeasing International A.O.

РЕСПУБЛИКА ИШБИЛАРМОНЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.»

халқаро лизинг компанияси

«Эскимо» (Италия) туридаги музқаймоқ тайёрлайдиган, унумдорлиги соатиға 500 донга, 2002 йилда ишлаб чиқарилган куйидагилардан иборат бўлган линияни

ТАНЛОВ АСОСИДА СОТИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- MODELO 125 электр пастеризатори/эмульсификатори;
- махсулотни етилтирадиган MODELO 125 электр камераси;
- MANTEMATISKEK дозаларга бўлувчи горизонтал фрейзер;
- совутадиған, музлатадиған ва шакллантирадиган MODEL 125 машинаси;
- VASCA COVER шоколадли қиём сифими;

Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали: (8 371) 132-62-94, 132-61-73, 139-16-54, факс: (8 371) 120-67-29

ёки куйидаги манзилда олишингиз мумкин: 700003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Туроб Тўла к., 1-уй, Халқаро банк ва молия маркази, 4-қават.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российской Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.	
	Цены действительны	до 30.06.2004 г.
ДУ 15х2,8 мм	780000	
ДУ 20х2,8 мм	780000	
ДУ 25х3,2 мм	770000	
ДУ 40х3,5 мм	765000	
ДУ 50х3,5 мм	765000	
ДУ 65х4,0 мм	760000	
ДУ 80х3,5 мм	760000	
ДУ 100х4,0-5,0 мм	760000	

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

57х3,5 мм	765000
76х3,5 мм	760000
89х4,0-5,0 мм	760000
108х3,5-5,0 мм	760000

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании»:

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область);

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommasht@tk.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлоийха».

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходими Абдуқомил Маҳмадовга онаси

Апор ад **ТЎҶКИЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инқасасия бирланимаси маъмурияти ва жамоаси бирланимининг автотранспорт ва моддий-таъминот бўлими бошлиғи Рихсиҳўжа Мариповга онаси

КАРИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» ОАЖ жамоаси фахрий темир йўлчи **Шароф МИРХИДОЯТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдарлик изҳор қилади.

Абдулла Қолирий номидаги халқ мероси нашриёти жамоаси бош ҳисобчи Раиса Валиевага ўғли **РАМИЛИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртига Г-772 28418 нусхада бошланди, ҳақини 2 тўбок, Обсет усулида бошланди.

Қонун бўлими А-2

Газета ИВМ компьютеризация тарихи ва операторлар **Жамшед Тоғаев** ва **Ваҳидлар Файзиёв** томонидан сақланилган.

Тахриратда ҳақини 5 қоғоздан эълм материаллар қабул қилинади.

(П) — Тахрират материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.15 2 3 4 5 6

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпшов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов. Навбатчи — Х. Қаримов. Мусалҳих — М. Ёкубова.